БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

15 ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 197 (3935).

8 ОКТЯБРЬ СЕШАНБА 1968 ИИЛ

Баҳоси 2 тийин.

КОМСОМОЛ КОММУНИЗМ ҒОЯЛАРИГА, ПАРТИЯНИНГ УЛУҒ ИШИГА СОДИҚЛИГИ ТУФАЙЛИ, СОЦИАЛИЗМ ВА КОММУНИЗМ ҚУРИЛИШИДАГИ ТАШАББУСКОРЛИГИ ВА БИТМАС-ТУГАНМАС КУЧ-ҒАЙРАТИ ТУФАЙЛИ БУТУН СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ ЗЎР ҲУРМАТИГА САЗОВОР БЎЛДИ.

ВЛКСМНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ВА ЁШЛАРНИ КОММУНИСТИК РУҲДА ТАРБИЯЛАШ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ

1968 йил 29 октябрда Бутуниттифоқ ленинчи Коммунистик ёшлар союзи 50 ёшга тўлади. ВЛКСМнинг ярим асрлик юбилейи мамлакат ижтимоий-сиёсий турмушида катта воқеа бўлиб, комсомолларнинг, барча совет ёшларининг шонли байрамидир.

Ленин комсомолининг қаҳрамонона йўли социалистик Ватанимиз тарихи билан, ишчилар синфи, совет халқининг Коммунистик партия раҳбарлигида социализм ва коммунизм ғалабаси учун кураш тарихи билан чамбарчас боғланган. Ишчи-деҳқон ёшлари ҳамиша Коммунистик партияга эргашиб борди ва бормоқда. Коммунистик партияни ўзининг йўлбошчиси ва устози деб билмоқдалар. Партия ёшлар ҳаракатининг ғоявий ва таркибий принципларини ишлаб чиқди. коммунистик ёшлар союзининг ташкилотчиси бўлди. В. И. Ленининг РКСМ III съездида «Ёшлар союзининг вазифалари» тўғрисида сўзлаган тарихий нутқи марксизм-ленинизмнинг янги жаҳият қуришда ёшларнинг роли тўғрисидаги ғоят муҳим назарий ҳужжати, ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашнинг программаси бўлди. Коммунистик партия, социалистик тузум инсоният тарихида биринчи бўлиб ёшларнинг кўпгина туб проблемаларини ҳал қилиб берди-лар, уларга катта ҳаёт йўлини очиб бердилар, ижодий меҳнат қилиш, билим олиш, шахснинг ҳар томонлама камол топиши учун зарур имкониятларни яратиб бердилар.

Комсомол ўзи вужудга келган дастлабки кунлардан бошлаб, совет жамиятининг актив революцион, бунёдкор кучи бўлиб, коммунизм иши учун эътиқодли курашчилар тайёрлаш мактаби бўлиб майдонга чиқди, мамлакатнинг бутун сиёсий, хўжалик ва маданий турмушида муҳим ўрин олди. Граждалар уруши йилларида ёш Советлар республикасининг душманларини тор-мор қилган комсомолларнинг жасорати афсонавий ва унутилмас жасорат бўлди. Мамлакатни индустрлаштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, дастлабки беш йилликлар, маданиятни ривожлантириш халқ хотирасида юз мингларча ёш ватанпарварларнинг номи билан боғланиб колган. Днепрогэс ва Магнитка, Комсомольск—Амур, Кузбасс ва Турксиб ўша йилларнинг рамзи бўлиб колди. Фашистлар асорати хавфидан Ватанни кўрак кериб ҳимоя қилган Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари — Ленин комсомоли вояга етказган ана шу қаҳрамонларнинг шуҳрати асло сўнмайди. Зотан, комсомол сафларида туриб, актив курашган ҳар бир киши ўзининг жанговарлик ва меҳнат билан ўтган ёшлик йилларини зўр завқ-шавқ билан эслайди.

Совет ёшларининг фахрланса арзийдиган ишлари кўп. Улар ота ва оналарининг революцион, меҳнат ва жанговар жасоратларини, бой тажрибасини тақлид қилишнинг ёрқин намунаси деб биладилар. Ингит ва қизлар кекса авлод анъаналарини давом эттириб, ривожлантириб бормоқдалар, завод ва фабрикаларда, колхоз ва совхозларда бутун халқ билан бирга фидокорона меҳнат қилмоқдалар, қўриқ ерларни ўзлаштирмоқдалар, янги шаҳарлар ва шахталар, домналар ва гидроэлектростанциялар қурмоқдалар, пўлат магистраллар ётқизмоқдалар, Сибирь, Шимол, Узоқ Шарқ ва мамлакатнинг бошқа районлари табиий бойликларини ўзлаштирмоқдалар. Ёшлар ҳозирги билимларнинг асосларини, фан, техника ва маданият ютуқларини қунт билан ўрганмоқдалар, фан-техника тараққиётини амалга оширишга актив кўмаклашмоқдалар. Қуролли кучлар сафларидаги ёш жангчилар энг янги қурол-яроғлардан ва техниканы сабот билан эгаллаб олмоқдалар. Ватанимизнинг мудаддас чегараларини сергак бўлиб қўриқламоқдалар, ўзларининг интернационал бурчларини муносиб равишда шараф билан, матонат ва довюраклик билан адо этмоқдалар. Мамлакатимизнинг ёш авлоди партия билан ҳукуматнинг ички ва ташқи сиёсатини қизғин қўллаб-қувватламоқда, давлат ва жамият ишларини бошқаришда, социалистик демократияни ривожлантиришда бевосита қатнашмоқда. Меҳнаткашлар депутатлари советларига юз мингларча йигит ва қизлар сайлаб қўйилган, улар комсомол, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотларида ишламоқдалар.

Эллик йил мобайнида юз миллионга яқин киши комсомол сафларида ғоявий жиҳатдан чиниқди, комсомол тарбиялаб етиштирган миллион-миллион кишилар КПСС сафларига қабул қилинди. ВЛКСМнинг ташкилотчилик ва тарбиявий фаолияти, унинг Ватанимиз эришаётган буюк муваффақиятларга қўшган ҳиссаси Совет Иттифоқининг бешта ордени билан муносиб равишда тақдирланди.

Ёшларнинг жанговар авангарди бўлган ВЛКСМ ҳозир кўп миллатдаражада таъсир ўтказади, унинг юксак сиёсий ва ахлоқий фазилатларини белгилаб беради. Шу билан бирга йигит ва қизларнинг дунёқараши социализм билан капитализм ўртасида синфий кураш гоят кескинлашиб кетган вазиятда шаклланаётганлигини ҳисобга олмоқ керак. Империалистик давлатлар социалистик мамлакатларга қарши ва аввало, Совет Иттифоқига қарши жон-жаҳди билан идеологик уруш олиб бормоқда, ҳар қандай воситалар билан социализмни ички ва ташқи партияларнинг, коммунистик ёшлар ҳаракатининг бирлигини бўшаштиришга уринмоқда. Бунда улар ёшларни ғоявий қуролсизлантиришга асосий умид боғламоқдалар, унинг революцион ғайрат-шижоатини бўшаштиришга, синфий онгини сийқалаштиришга, уларни кекса авлодга қарама-қарши қилиб қўйишга, умидсизлик ва сиёсатга эътиборсизлик майилларини социалистик жамиятга ёт бўлган буржуа ҳулқи ва ахлоқига сажда қилиш майилларини авж олдиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Шундай шароитда тарбиявий ишни бирон бир тарзда бўшаштиришга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди, чунки «...Социалистик идеологияни ҳар қандай камситиш... буржуа идеологиясининг кучайишини билдиради» (Ленин). Ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш, революцион, синфий руҳда чиниқтириш, уларга марксизм-ленинизм билимларини ўргатиш партия ва совет давлати учун тобора актуал ва масъулиятли вазифа бўлиб қолмоқда. Ҳозирги вақтда вазифа аввало шундан иборатки:

— Ҳар томонлама баркамол ўқимишли кишилар авлодини, коммунизм ғалабаси учун матонатли ва фидокор курашчилар, жамият ва давлат ишларини идора қила оладиган кишилар авлодини тарбиялаш. Комсомолларни, барча йигит ва қизларни марксизм-ленинизм назариясини ижодий эгаллашга ўргатиш, уларда илмий материалистик дунёқарашни шакллантириш, ғоявий эътиқодни, ижтимоий турмуш ҳодисаларига синфий нуқтаи назардан ёндошиш, партия ишига садоқатни тарбиялаш лозим. Ҳамма ёшларимиз Ленин таълимотини билиши. Ленин яшаганидек яшай олиши ва Ленин қурашганидек қураша оладиган бўлиши зарур;

— ёшларни Коммунистик партия тажрибаси асосида, халқнинг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари рухида тарбиялаш уларда совет ватанпарварлиги, СССР халқларининг қардошларча бузилмас дўстлиги ва пролетар интернационализми, социалистик Ватанга муҳаббат, Октябрь ғалабаларини қўлга қурол олиб ҳимоя қилишга ҳамиша тайёр бўлиб туриш туйғуларини тинмай ривожлантириб бориш керак;

— йигит ва қизларда меҳнатга, социалистик мулкка коммунистик муносабатда бўлишни, коллектив ва жамоат иши учун юксак масъулиятни вояга етказиш, уларнинг шахсий идеаллар билан халқнинг эзгу мақсадлари бир-бири билан узвий алоқада эканлигини равшан англайдиган бўлишларига эришиш лозим:

— ёш авлодни коммунистик ахлоқ ва одоб, коллективчилик ва ўртоқчилик рухида, ҳудбинлик, мешчанлик ва ҳусусий мулкчилик психологиясига, социалистик жамият ва совет қонунлари нормаларини бузишларга нисбатан муросасизлик руҳида тарбиялаш зарур;

— комсомоллар ва ёшларнинг революцион ҳушёрлигини ошириш, буржуа идеологияси ва ахлоқига нисбатан, империалистик пропагандаининг «синфий иноқлик» деган сохта шиорлар билан ёш авлодни йўлдан оздириш учун қилаётган уринишларига нисбатан муросасиз бўлиш ҳис-туйғуларини комсомол ва ёшларга қунт билан сингдириш, капитализмнинг халққа қарши реакцион моҳиятини шафқатсизлик билан фош қилиб ташлаш лозим.

Ёш авлоднинг онглилиги нақадар юқори бўлса, коммунистик қурилиш планлари шу қадар муваффақиятли равишда амалга оширилаверади. Юксак ғоявий эътиқодга эга, снёсий етук, ўқимишли, мустаҳкам интизомли ва уюшқоқ бўлган, ҳеч қандай қийинчиликлар ва синовлардан қўрқмайдиган одамларгина тарих томонидан социалистик тузум олдига қўйилган вазифаларни шараф билан ҳал қила оладилар.

КПСС Марказий Комитети қарор қилади:

1. Бутуниттифоқ ленинчи коммунистик ёшлар союзининг 50 йиллиги комсомолларни совет ёшларини коммунистик партия теварагида тағин ҳам кўпроқ жипслаштиришга, синфий онгини сийқалаштиришга, уларни кекса авлодга қарама-қарши қилиб қўйишга, умидсизлик ва сиёсатга эътиборсизлик майилларини социалистик жамиятга ёт бўлган буржуа ҳулқи ва ахлоқига сажда қилиш майилларини авж олдиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Шундай шароитда тарбиявий ишни бирон бир тарзда бўшаштиришга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди, чунки «...Социалистик идеологияни ҳар қандай камситиш... буржуа идеологиясининг кучайишини билдиради» (Ленин). Ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш, революцион, синфий руҳда чиниқтириш, уларга марксизм-ленинизм билимларини ўргатиш партия ва совет давлати учун тобора актуал ва масъулиятли вазифа бўлиб қолмоқда. Ҳозирги вақтда вазифа аввало шундан иборатки:

— Ҳар томонлама баркамол ўқимишли кишилар авлодини, коммунизм ғалабаси учун матонатли ва фидокор курашчилар, жамият ва давлат ишларини идора қила оладиган кишилар авлодини тарбиялаш. Комсомолларни, барча йигит ва қизларни марксизм-ленинизм назариясини ижодий эгаллашга ўргатиш, уларда илмий материалистик дунёқарашни шакллантириш, ғоявий эътиқодни, ижтимоий турмуш ҳодисаларига синфий нуқтаи назардан ёндошиш, партия ишига садоқатни тарбиялаш лозим. Ҳамма ёшларимиз Ленин таълимотини билиши. Ленин яшаганидек яшай олиши ва Ленин қурашганидек қураша оладиган бўлиши зарур;

— ёшларни Коммунистик партия тажрибаси асосида, халқнинг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари рухида тарбиялаш уларда совет ватанпарварлиги, СССР халқларининг қардошларча бузилмас дўстлиги ва пролетар интернационализми, социалистик Ватанга муҳаббат, Октябрь ғалабаларини қўлга қурол олиб ҳимоя қилишга ҳамиша тайёр бўлиб туриш туйғуларини тинмай ривожлантириб бориш керак;

— йигит ва қизларда меҳнатга, социалистик мулкка коммунистик муносабатда бўлишни, коллектив ва жамоат иши учун юксак масъулиятни вояга етказиш, уларнинг шахсий идеаллар билан халқнинг эзгу мақсадлари бир-бири билан узвий алоқада эканлигини равшан англайдиган бўлишларига эришиш лозим:

— ёш авлодни коммунистик ахлоқ ва одоб, коллективчилик ва ўртоқчилик рухида, ҳудбинлик, мешчанлик ва ҳусусий мулкчилик психологиясига, социалистик жамият ва совет қонунлари нормаларини бузишларга нисбатан муросасизлик руҳида тарбиялаш зарур;

— комсомоллар ва ёшларнинг революцион ҳушёрлигини ошириш, буржуа идеологияси ва ахлоқига нисбатан, империалистик пропагандаининг «синфий иноқлик» деган сохта шиорлар билан ёш авлодни йўлдан оздириш учун қилаётган уринишларига нисбатан муросасиз бўлиш ҳис-туйғуларини комсомол ва ёшларга қунт билан сингдириш, капитализмнинг халққа қарши реакцион моҳиятини шафқатсизлик билан фош қилиб ташлаш лозим.

Ёш авлоднинг онглилиги нақадар юқори бўлса, коммунистик қурилиш планлари шу қадар муваффақиятли равишда амалга оширилаверади. Юксак ғоявий эътиқодга эга, снёсий етук, ўқимишли, тўғараклар ва семинарлардаги машғулотларнинг асосий мазмуни бўлиши лозим. В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига тайёрланиш партия ва комсомол ташкилотларидан ёшларнинг Ленинни назарий меросини тағин ҳам чуқурроқ ўрганишларига алоҳида эътибор беришларини талаб қилади. Семинарлар ва суҳбатлашишлар, назарий конференциялар ва ижодий мунозаралар сингари актив формалардан ёшларнинг сиёсий ўқувида кенг фойдаланилсин. Партия комитетлари комсомол сиёсий маорифининг пропагандистларини танлаш ва тайёрлашни анча яхшилашлари, сиёсий маориф уйлари ва кабинетларида, марксизм-ленинизм университетларида, ижтимоий фанлар кафедраларида шу пропагандистларнинг систематик равишда назарий ва методик ўқувини йўлга қўйишлари мутлақо зарур. Комсомол тўгаракларининг ва семинарларининг тингловчиларига ёрдам учун дарсликлар ва кўргазмали қуроллар яратиш мақсадида 1969—1970 йилларда конкурслар ўтказилсин.

Ёшлар орасида олиб борилаётган идеология ишининг самарадорлиги сиёсий информацияннинг партиявий йўналишига ва оперативлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ҳар бир коммунист, партия, давлат, хўжалик раҳбари комсомолларнинг ва ёшлар билан мунтазам равишда учрашиб туришлари, уларга КПСС ва совет ҳукуматининг сиёсатини тушунтириб бериб туришлари, уларни тўлқинлантираётган саволларга далиллар билан ва ҳаққоний жавоблар бериб боришлари мутлақо зарур.

Ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда оммавий информацияннинг ҳамма воситаларидан — матбуот, радио, телевиденнедан яхшироқ ва муайян мақсад йўлида фойдаланиш керак. «Правда», «Известия», «Сельская жизнь», «Советская Россия», «Труд» газеталарининг, «Коммунист», «Партийная жизнь», «Агитатор», «Политическое самообразование» журналларининг республика, ўлка, область газеталари ва журналларининг редакцияларн ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш проблемаларини, комсомол ташкилотларининг ишларини, комсомолга партия раҳбарлиги практикасини систематик равишда ёритиб борсинлар. СССР Министрлар Совети ҳузуридаги радиоэшиттириш ва телевидение комитети ёшлар учун эшиттириш сифатини яхшилаши ва бу эшиттиришларнинг ҳажмини кенгайтирсин. СССР Министрлар Совети ҳузуридаги матбуот комитети, ВЛКСМ Марказий Комитети комсомол матбуотининг, болалар ва ёшларга аталган сиёсий-бадиий, илмий-оммабоп ва илмий фантастика адабиётларининг савиясини оширсинлар, китоблар ва брошюралар, тематик кутубхоначалар, янги, ижтимоий-сиёсий нашрларни чиқаришни кенгайтириш ҳамда ёшлар нашриётларининг моддий базасини мустаҳкамлаш чораларини ишлаб чиқсинлар.

4. Фан-техника чуқур ва узлуксиз тараққий қилиб бораётганлиги, комплекс механизация ва автоматлаштириш ишлаб чиқаришга жорий қилинаётганлиги, меҳнат характерида тубдан ўзгаришлар бўлаётганлиги жамиятимиз тараққиётидаги ҳозирги босқичнинг характерли белгилари бўлиб қолди. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, янги техникани ўзлаштириш ва жорий қилиш ишларини, хўжалик ислоҳотини амалга оширишни, партия ва давлатнинг иқтисодий сиёсатини амалга оширишда комсомолнинг иштирок қилишидаги бевосита, конкрет вазифа деб билиб, бу ишларни амалга оширишга комсомол ташкилотларини активроқ жалб қилиш зарур. Комсомоллар ва ёшлар коммунистлар билан бирга социалистик мусобақанинг ва коммунистик меҳнат ҳаракатининг, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш учун, ишлаб чиқаоиш резервларидан яхшироқ фойдаланиш, беш йиллик планни муддатидан олдин бажариш учун курашнинг ташаббускорлари бўлишлари лозим.

Партия, комсомол, касаба союз ташкилотлари ва хўжалик раҳбарлари йигит ва қизларга касб ўргатиш, уларнинг ишлаб чиқариш малакасини ошириш, ижодий, юксак даражада унумли меҳнат қилиш учун зарур шарт-шароит яратиб бериш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилишлари, уларда ўз касбларига меҳр-муҳаббат туғдиришлари лозим. Йигит ва қизларда техникага, тадқиқот ишларига, рационализаторлик ва ихтирочилиққа қизиқишни бутун чоралар билан авж олдиравериш керак. ДОСААФ ишларга тортиш, «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги қонунни бажарилишига кўмаклашуви лозим.

СССР Қуролли Кучлари сафларида хизмат қилиш миллион-миллион совет кишилари учун қаҳрамонликнинг, забардаст ва мард характерларни шакллантиришнинг чинакам мактаби бўлиб колди. Ҳарбий қисмлар ва бўлинмаларнинг комсомол ташкилотлари командирларга ва сиёсий органларга ватанпарварлар ва интернационалистларни, социалистик Ватанинг матонатли ва жасур ҳимоячиларини тайёрлашда, ёш жангчиларнинг жанговар ва сиёсий тайёргарлигини оширишда ҳар доим ёрдамлашиб туришлари, уларнинг замонавий қурол-техникани мукаммал эгаллаб олишларига эришишлари лозим.

7. Партия ва комсомол ташкилотларининг муҳим вазифаси шуки, улар ёшларни шахс сифатида ҳар томонлама камол топтиришлари, уларда коммунистик ахлоқни тарбиялашлари, йигит ва қизларнинг умумий маданиятини оширишлари лозим. Ёшларни ўзларининг бўш вақтларидан мазмунли ва жисмоний такомиллашиш учун фойдаланишга ўргатиш ва уларнинг мана шу бўш вақтдан оқилона фойдаланишларига ёрдамлашиш зарур СССР Маданият министрлиги, ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитети, клублар, маданият уйлари, кутубхоналар, парклар ва бошка маданий-оқартув муассасаларининг фаолияти ҳозирги замон ёшларининг ошиб бораётган талабларига энг тўлиқ жавоб берадиган бўлиши, бадиий ижодкорликка актив қизиқишни ривожлантиришга, талантлар ва қобилиятларни очишга ёрдам берадиган бўлиши учун чора ва тадбирлар кўрсинлар. Йигит ва қизлар мамлакатимиз халқларининг жуда бой маданий мероси билан кенг таништирилсин, оммавий-бадиий ҳаваскорлик ривожлантиравсрсин, кўриклар, конкурслар, виставкалар ва фестивалларнинг ўтказилиб турсин. ёшларнинг яшаб турган жойларида дам олишларни ташкил этиш яхшилансин. Партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари йигит ва қизларнинг колхозлар ва совхозларда маданий-маиший ва спорт иншоотлари қуриш, совет қишлоғининг маданиятини юксалтириш учун ёшларнинг оммавий ҳаракатини авж олдириш борасидаги ташаббусини бутун чоралар билан қўллаб-қувватласинлар.

КПСС Марказий Комитети ёзувчилар, рассомлар, композиторлар, кино ва театр арбобларига мурожаат қилиб, уларни ёшларнинг онгида коммунизм идеалларига чексиз ишончни барқарор қиладиган, совет кишисининг энг яхши ҳислатларини акс эттирадиган, синфий душманларга, уларнинг идеологиясига ва ахлоқига кишиларни нафрат билан қарайдиган қилиб тарбиялайдиган янги, ёрқин асарлар яратишга чақиради. Ижодий союзларга ва ВЛКСМ Марказий Комитетига ёшларга аталган энг яхши асарлар учун конкурсларни, ёш ёзувчиларнинг семинарларини, тасвирий ижодкорлик виставкаларини, музика ва кино фестивалларини систематик равишда ўтказиб туриш тавсия этилсин. ВЛКСМ комитетлари ёш ижодкор зиёлилар орасида сиёсий ишни яхшиласинлар уларнинг ғоявий ва профессионал ўсишига, ишчилар, деҳқонлар, жангчилар, студентлар ва ўқувчилар билан алоқаларни мустаҳкамлашларига ёрдам бериб турсинлар. ёшларимизга муносиб асарларни актив равишда қувватлаб ва пропаганда қилиб турсинлар.

(Давоми 2-бетда)



ВЛКСМНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ВА ЁШЛАРНИ КОММУНИСТИК РУҲДА ТАРБИЯЛАШ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши биринчи бетда).

8. Болалар ва ёшларни жисмоний тарбиялаш тўғрисидаги ҳамкорликни кучайтириш зарур. Оммавий физкультура ва спорт ёшларнинг соғлиғини мустаҳкамлашга, уларни меҳнат ва мудофаага тайёрлашга хизмат қилиши лозим. Комсомол, физкультура ва спортни ривожлантиришнинг етакчи кучи бўлиши, комсомоллар эса физкультура ҳаракатининг актив қатнашчилари бўлишлари мутлақо зарур. ВЛКСМ Марказий Комитети, ВЦСПС, СССР спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзининг марказий совети бошқа идоралар билан биргаликда ўқув юртларида, корхоналарда, колхозлар, совхозлар, муассасаларда, районлар ва шаҳарларда традицион спорт ва туристик ўйинларни ўтказиш системасини ишлаб чиқсинлар. Стадионларда, спорт заллардa, бассейнларда ва маданият паркларида болалар ва ўсмирлар билан ишлаш учун инструктор-тренер кадрларни ва асбоб-ускуналарни ажратиб қўйиш кўзда тутилсин. Меҳнаткашлар депутатлари советларининг ижроия комитетлари комсомол, касаба союзлар, физкультура ташкилотлари ва ДОСААФ комитетлари билан биргаликда спорт базалари ва иншоотларидан энг кўп фойдаланишни таъминласинлар, комсомоллар ва ёшларнинг ҳарбий-техникавий ихтисосларни эгаллашга, спорт—соғломлаштириш лагерлари ва мудофаа-техника клублари ишини ривожлантиришга моддий ва маънавий жиҳатдан ёрдам берсинлар.

9. Мамлакатимиз олдида турган вазифаларни ҳал этиш, оммавий фаол, ижтимоий-сиёсий ташкилот бўлган, партиянинг резерви, энг яқин ёрдамчиси бўлган ВЛКСМнинг ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашдаги ва янги жамият қуришдаги ролини тағин ҳам юқори кўтаришни талаб қилади. ВЛКСМ Марказий Комитети иттифоқдош республикаларнинг комсомол Марказий Комитетлари, ВЛКСМ ўлка ва область комитетлари, комсомол ташкилотларини ташкилий ва сиёсий жиҳатдан янада мустаҳкамлашга ва уларнинг жанговарлигини оширишга, ёшларнинг ҳамма табақаларига уларнинг ғоявий таъсирини кучайтиришга алоҳида эътибор беришлари лозим. Одамлар билан якқама-якка ишлашни анча яхшилаш, ёшларнинг қизиқишлари ва кайфиятларини ҳар доим ўрганиб ва ҳисобга олиб бориш, уларнинг қарашларини ва эътиқодларини шакллантириш, уларнинг талабларига нисбатан сезгир бўлиш, уларнинг ҳаётий планларини амалга оширишларига ёрдамлашиш зарур.

Комсомол ички демократиясини ривожлантираверш, принципиал танқид ва ўз-ўзини танқидни авж олдириш, ВЛКСМ сафларида интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш, ишни шундай ташкил этиш керакки, ҳар бир комсомол ўз ташкилотининг ишида актив қатнашадиган бўлсин, ўз ташкилоти фаолиятининг ва умуман, комсомол фаолиятининг натижалари учун жавобгар бўлсин.

Комсомолнинг ролини ошириш, унинг ҳўжалиқ, маданий ва давлат қурилишида тағин ҳам кенг қатнашувини тақозо қилади. КПСС Марказий Комитети меҳнаткашлар депутатлари советлари, министрликлар ва идоралар, касаба союзи ташкилотлари ва бошқа ижтимоий ташкилотлар ёшларни тарбиялаш, ўқитиш, уларга касб ўргатиш масалаларини, ёшларнинг меҳнати, турмуши ва дам олишига доир масалаларни ВЛКСМ комитетларининг иштироки билан ҳал қилишлари, комсомол ташкилотларининг таклифларига диққат ва эътибор билан қарашлари, уларга ҳар доим амалий ёрдам бериб туришлари лозим, деб ҳисоблайди. Комсомол комитетлари ёшларни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш, ёш ишчиларни, колхозчиларни хизматчиларни мукофотлаш, ўсмирларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, уй-жойини ётоқхоналардаги ўринларни тақсимлаш, маданий-оммавий ва спорт ишларини ривожлантиришга мўлжалланган маблағлардан фойдаланиш билан алоқадор масалаларни ҳал этишда касаба союз ва ҳўжалик ташкилотлари билан биргаликда қатнашишлари лозим. Комсомол ташкилотлари, корхоналар, колхозлар ва муассасаларнинг ишларига доир масалаларни муҳокама қилишда ва тегишли ташкилотлар олдига қўйишда кенг равишда ташаббус кўрсатсинлар.

СССР Олий Советида, Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советларида меҳнаткашлар депутатларининг ўлка, область, округ, шаҳар ва район советларида ёшларнинг ишлари билан шуғулланувчи депутатларнинг доимий комиссияларини тузиш мақсадга мувофиқ, деб топилсин.

10. Иттифоқдош республикалар Коммунистик партияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область, округ, шаҳар, район партия комитетлари комсомол ташкилотларига ёш авлодни коммунистик руҳда тарбия қилиш ишига раҳбарлик даражасини баланд кўтарсинлар. Комсомол ташкилотларининг кундалик ҳаёти ёшлар орасида рўй бераётган жараёнлар чуқур анализ қилиб турилсин, комсомол ташкилотларининг ишларига доир қарорлар ишончли ва конкрет бўлсин, деб ҳисоблаймиз.

КПСС Марказий Комитети комсомоллар, шонли ёшларимиз партия қўяётган вазифаларни бутун қалби билан қабул қилиб олади, деб ишонч билдиради. ВЛКСМ юбилейига ва Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига тайёргарлик кўраётган йигит ва қизларимиз меҳнат активлигини ва сиёсий активликни тағин ҳам баланд кўтарадилар, ўз сафларини Коммунистик партия теварагида маҳкамроқ жипслаштирадилар, коммунизм йўлида, совет халқининг бахт-саодати йўлида фидокорлик билан меҳнат қиладилар.

ИДЕОЛОГИЯ ХОДИМЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

4 октябрь куни Тошкентда идеология ходимларининг В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига тайёргарлик масаласига бағишланган республика кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда область, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Ўзбекистон комсомоли марказий комитети, Ўзбекистон касаба союзлари советининг масъул ходимлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг олимлари, олий ўқув юртлари ижтимоий фанлар кафедраларининг мудирлари, маданият, матбуот, радио ва телевидение ходимлари, лекторлар, пропагандистлар қатнашдилар.

Кенгашни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов кириш нутқи сўзлаб очди.

«КПСС Марказий Комитетининг Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг юз йиллигига тайёргарлик тўғрисидаги қарори ва республика партия ташкилотлари идеология ишининг вазифалари» деган мавзуда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Бобожонов доклад қилди.

Ленинниг юбилейи Коммунистик партия ҳаётида, совет халқи, дунёдаги барча мамлакатлар меҳнаткашлари ҳаётида шонли воқеа бўлади. Ленинниг номи, унинг ғоялари барҳаётдир. Ильич васиятларига амал қилиш, Ленин белгилаб берган режаларни рўёбга чиқариш учун, ҳўжалик ва маданий қурилишнинг улкан планларини амалга ошириш учун фидокорона курашиш Ўзбекистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари учун энг буюк ва олижаноб вазифадир.

Кенгаш қатнашчилари В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги муносабати билан партия ташкилотлари олиб бораётган идеология иши масалаларига муфассал тўхталиб ўтдилар. Ленин меросини кенг кўламда пропаганда қилиш, меҳнаткашларни, айниқса ёшларни сиёсий тарбиялашни кучайтириш энг муҳим вазифа эканлиги таъкидлаб ўтилди. Шонли санага тайёргарлик кўришда матбуот, радио ва телевидение муҳим роль ўйнайди. Ленин ғояларини пропаганда қилмоқ учун ижодий зиёлилар — олимлар, ёзувчилар, рассомлар, композиторлар, барча идеология ходимларидан кенг фойдаланмоқ керак.

Кенгашда Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Р. Н. Бобожонова, Ўзбекистон ёзувчилар союзининг раиси К. Яшин, республика олий ва ўрта махсус таълим министри Т. А. Қаримсоқов, Нукус шаҳар партия комитетининг секретари У. Нурмаҳонова, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг радиоэшиттириш ва телевидение давлат комитетининг раиси У. Ё. Иброҳимов, Фарғона область партия комитетининг секретари А. М. Маҳмудов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги матбуотда давлат сирларини сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи Х. А. Олимтоев, Жиззах район партия комитетининг секретари У. Т. Тўрақулов сўзга чиқдилар.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидатлар С. Р. Расулов ва М. Турсунов ўртоқлар қатнашдилар.

(ЎзТАГ).



САММИЙ ҚУТЛОВЛАР

Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний, А. Н. Косигин ўртоқлар Вальтер Ульбрихт, Вилли Штоф, Иоганнес Дикман, Эрих Корренс ўртоқларга телеграмма юбориб, Германия Демократик Республикаси ташкил топган кунининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетига, давлат кенгашига, Халқ палатасига, Министрлар Советига, Милий фронтдаги демократик партиялар ва жамоат ташкилотларига, социалистик германдавлатининг бутун халқига Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва ҳукумати номидан, барча совет кишилари номидан қардошлик саломи ва самимий қутловлар йўлладилар.

Телеграммада бундай дейилади: немис меҳнаткашларининг давлати йил сайин кучга тўлишиб, социализм қурилишида, экономика, фан, маданиятни ривожлантиришда тобора кўпроқ муваффақиятларга эришиб бормоқда. Ҳозирги вақтда Германия Демократик Республикаси дунёдаги етакчи индустриал давлатлар қаторидан жой олди, ижтимоий тараққиёт пионерларидан бири бўлиб қолди.

Халқлар Германия Демократик Республикасини ҳақли равишда тинчлик ва яхши қўшничилик сиёсатининг жарчиси деб, Европада хавфсизликнинг муҳим қўрғони, Германия реваншилари, милитаристлари ва янги нацистларининг агрессив муддаоларига кескин ва қатъиян қаршилик кўрсатаётган давлат деб билмоқдалар.

Совет коммунистлари, барча совет кишилари партияларимиз ва халқларимиз ўртасидаги муносабатлар ғоявий ва иттифоқчилик бирлиги руҳида ривожланиб бораётганлигидан зўр мамнуният ҳис туйғуларга тўлиб тошмоқдалар. Империализмнинг қўпорувчилик ҳаракатларига, контрреволюция ва реакцияга зарба бериш, муштарак интернационал бурчимизга садоқат кўрсатиш лозим бўлганида Германия Демократик Республикаси билан Совет Иттифоқи бир сафда тўриб ҳаракат қилаётганлигини совет коммунистлари, барча совет кишилари юксак қадрлайдилар.

Партияларимиз, давлатларимиз ва халқларимизнинг яқин бирлиги, уларнинг социалистик бирдамлиги социалистик ҳамдўстлиги ҳамда халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатини синалган марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принциплари негизида мустаҳкамлаш ишига пухта хизмат қилиб келмоқда. Биз бошқа қардош мамлакатлар билан биргаликда халқларнинг социалистик ғалабаларини ҳамиша қаттиқ туриб ҳимоя қилаверамиз, империалистик кучларни жаҳон социализми позицияларига путур етказиш йўлидаги ҳар қандай уринишлари пайини кескин равишда қирқаверамиз.

Азиз ўртоқлар, сизларнинг миллий байрамингизни сизлар билан бирга тантанали равишда нишонлаб, дейилади телеграмманинг пировардида, Германия Демократик Республикаси немислар диёрида ривожланган социалистик жамият қуришдан иборат улуғ тарихий вазифани бажаришда, ишчи-деҳқонларнинг герман давлати халқаро позицияларини янада мустаҳкамлашда чин кўнгилдан янги катта муваффақиятлар тилаймиз.

(ТАСС).

НОЯБРЬ ОЙИ ҲИСОБИГА

Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига мусобақани кучайтириб юборган Қўчбулоқ олтин топарлари шу кунларда қизғин меҳнат қилмоқдалар.

Айниқса, ўртоқ Иван Горбунов бошлиқ проходкачилар бригадаси матонат кўрсатиб ишламоқда. Бригада аъзолари ойлик топшириқларини ортиғи билан бажармоқдалар. Улар 175 метр ҳажмдаги тоғ очиш ишларини бажардилар. Бу ҳар бир кончининг юксак меҳнат унумдорлигига эришганидан далолат бериб турибди.

Оҳангарон шаҳар Советининг депутати, коммунистик меҳнат зарбдори Иван Горбунов бошлиқ олтин топарлар бригадаси меҳнатсеварлари шу кунларда ноябрь ойи ҳисобига олтин рудаси қазиб чиқармоқдалар. Бу ишда проходкачилардан Абдуназиз Хожиматов, Ленин орденли портлатувчи Бадал Алиматов ва бошқалар, айниқса, намуна кўрсатмоқдалар.

К. МУСАМУРОДОВ.

Олмалиқ кон-металлургия комбинати ҳузурида яна бир корхона—рух заводи тикланмоқда. Унинг бунёдкорлари шу кунларда самарали меҳнат қилишаяпти. Суратда: рух заводи қурилишининг умумий кўриниши.

А. Горокрик фотоси, (ЎзТАГ).

● ●

Ўскан Носиров тўрт йилдан бери «Чирчиксельмаш» заводининг 9-цехида ишлаб келмоқда. Комсомол аъзоси моҳир слесарь ВЛКСМнинг 50 йиллик олтин тўйини муносиб меҳнат туҳфаси билан кутиб олишга аҳд қилган. Шу мақсадда кундан-кунга самарали меҳнат қилмоқда. Суратда: Ў. Носиров иш устида.

А. Велиуллаев фотоси

„СИФАТ БЕЛГИСИ“ УЧУН

Сўнгги вақтларда саноат маҳсулотларининг ассортименти ва сифатини оширишда асосий роль ўйнайдиган давлат аттестацияси масаласига катта эътибор берила бошланди. Саноат корхоналарида давлат аттестациясига тайёргарлик ишлари кенг авж олиб кетди.

Тошкентдаги «Ўртоқ» кондитер фабрикаси, гўшт комбинати, Ғазалкент консерва заводи ва бошқа кўпгина корхоналар ўз маҳсулотларини давлат аттестациясига пухта тайёрлашмоқдалар.

Фабрика айниқса «оқ олтин» деб номланган конфети билан харидорларни мамнун этмоқда. Чунки бу конфет мазаси ва шакли билан мамлакатимиздаги бошқа кондитер фабрикаларида тайёрланаётган энг яхши конфетлардан қолишмайди. Фабрика коллективи «Сифат белгиси» олишга қадар бу конфет корпусининг намлигини 0,3 процент камайтиришга, корпусдаги ёғ миқдорини эса 1,6 процент оширишга ҳаракат қилмоқда.

Ғазалкент консерва заводи коллективи тайёрлаётган сифатли маҳсулотлар эса жаҳондаги кўпгина мамлакатларга машҳурдир. Бу заводда тайёрланаётган томат-пастанинг деярли 80-90 процента чет элга экспорт қилинмоқда. Шунингдек, пойтахтимиздаги лак-бўёқ заводида тайёрланаётган оқ рух бўёғи, «Таштекстильмаш» заводининг «ПК-100 М» маркали йигирув машинаси ва «Ташкентқабель» заводининг кабель маҳсулотлари ҳам жаҳон стандарти даражасидадир.

Маълумки, аттестация қилинган маҳсулот сифат жиҳатидан жаҳондаги энг яхши нусхаларга тенг ёки ундан ҳам устун бўлиши керак.

Маҳсулот сифатини яхшилаган аттестация қилинган маҳсулотларни ишлаб чиқараётган корхона рағбатлантирилади, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарган корхона учун иқтисодий санкция белгиланади.

«Сифат белгиси»га лойиқ маҳсулотларни корхоналар ошиқроқ, улгуржи нархда сотадилар. Бу қўшимча ҳақ маҳсулот сифатини яхшилаш учун сарфланган қўшимча ҳаражатларни қоплайди ва маълум миқдорда фойда ҳам кедтиради. Фойданинг бир қисми эса рағбатлантириш фондига тушади.

Корхона маҳсулотини давлат аттестациясига ўз министрлиги (бошқармаси) орқали тақдим этади. Маҳсулотнинг аттестация қилинганлиги «Сифат белгиси» билан белгиланади. «Сифат белгиси» давлат аттестациялаш комиссиясининг қарорига биноан корхоналарга бир йилдан уч йилгача муддатга берилади. «Сифат белгиси» берилган вақтдан бошлаб бу маҳсулот аввало корхонанинг ўзига, кейинчалик эса Иттифоқимиз саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган шу хилдаги маҳсулотлар учун давлат эталони бўлиб қолади.

Маҳсулотни давлат аттестациясига тавсия этишдан олдин корхонада пухта текшириб кўриш, унинг сифатини жаҳон стандарти даражасига кўтариш лозим. Шу вақтдагина саноат маҳсулоти давлат «Сифат белгиси»га сазовор бўлиши мумкин.

С. МИРФАЁЗОВА.
Стандартлар, мезон ва ўлчов асбоблари Комитети Ўзбекистон бошқармасининг катта инженери.



«Ташсельмаш» заводи коллективи В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани қизитмоқда. Машинасозлар сентябрь ойининг ўнида 400 та «Ўзбекистон» маркали тўрт қаторли пахта териш машинасини ишлаб чиқаришди. Суратда: корхонанинг йиғув цехида.

М. Нуриддинов фотоси.

ЁРҚИН

ВЛКСМНИНГ 50

Уларни эслаганда ўша оловли ва шиддатнор йиллар, беомон, жанғу жадаллар, бўронли воқеалар ёдга тушади. Янги замонни деб душман ўқига кўкрак тутиб курашган қаҳрамон йигит-қизлар сиймоси кўз олдингиздан ўтади. Қаҳрамонларнинг қанча-қанчаси инқилоб манфаатлари йўлида қурбон бўлди. Кўплари эса ҳозир ҳаёт. Улар билан суҳбатда бўлсангиз, тарих саҳифалари қайта варақланади: бугунги ҳур ва эркин замоннинг қадрига тағин ҳам кўпроқ етасиз.

Қуйидаги уч лавҳа ўша қаҳрамонлик китобининг айрим саҳифалари, холос.

БИРИНЧИ ТОПШИРИҚ

ЗОИР у кунларни худди кечагидай эслайди: комсомолга кирганида жанггоҳдаги новвойхонада нон сотувчилик қилар, шу билан бирга Бекбудий мактабида ўқирди. Комсомол ячейкасининг биринчи топшириғини бажариши жуда қизиқ бўлган.

Кунларнинг бирида ячейканинг йиғилиши ўтказилди. Секретарь кун тартибидаги бирдан бир масала—хотин-қизларни озодликка чиқариш ҳақидаги ўз маърузасини чўзиб ўтирмади, масаланинг революция ва давлат аҳамиятига эга эканлигини айтиб, вазифани кўндаланг қилиб қўя қолди.

— Кимда-ким ўзини ҳақиқий комсомол ҳисобласа, ячейка топшириғини бажариши шарт. Унинг онаси ёхуд аёли биринчи бўлиб паранжисини ташлаб, бошқаларга ибрат кўрсатсин,— деб тугатди сўзини у. Комсомоллар бу таклифга якдил овоз бердилар.

...Зоир уйга қайтганида Хайрибиби хола ўчоқ бошида юмуш билан машғул эди. Ўғлини хонтахта ёнига ўтқазиб, олдига бир коса қатиқланган мошхўрда қўйдида, ичкарига кириб кетди. Зоир овқатдан бир-икки қошиқ олишга улгурмаган эди ҳамки, билагига паранжи, чачвон ташлаб чиқди.

— Йўл бўлсин, ойи? — Зоир мошхўрдани хўриллатиб туриб сўради.

— Ҳали замон даданг ҳам келиб қоладилар. Унгача гизиллаб бориб кела қолай. Сумбул кенойингнинг кўзи ёрибди.

— Ундай бўлса, паранжини ташлаб кетинг.

Хайрибиби турган ерида тек қолди:

— Бу нима бемаънилик? Бола деган ҳам онасига шунақа...

— Ячейкамизнинг қарори бу, — онанинг гапини чўрт кесди ўғил. — Ўртоқларим орасида изза бўлишимни хоҳламассиз.

Хайрибиби хола тугруқ сўрагани боришга-бормайдию, аммо алламаҳалгача жавраб ўғлининг қулоғини қоқиб қўлига берди. Ахийри чарчади шекилли «ҳали даданг келсин» деб ўртадаги ади-бадига ўзича нуқта қўйди.

Қош қорайганда Раҳмонберди ака келди. Зоир отаси унинг ёнини олишини биларди, чунки у тушунган одам, кўп заводида ишлайди, большевик.

Гапни овқатдан кейин, чой устида Хайрибибининг ўзи очди. Раҳмонберди ака мийигида кулиб, обдон тинглаб ўтиришда. «тўғри айтибди», —деб ўғлининг гапини маъқуллади. Ота, она ва ўғил ярим кечагача гаплашиб ўтиришди. Раҳмонберди ака ўз одатича шошилмай анча гапирди, хотинига большевиклар, комсомолларнинг хотин-қизларни озодликка чиқариш, уларни ўқитиш, фабрикаларга, артелларга ишга жалб қилиш йўлидаги сиёсатини тушунтирди.

— Менга қара, биби, — деди у, — эртами-кечми, барибир ҳамма хотин-қизлар паранжидан қутилишади. Кел, яхшиси ўзинг, тушунган аёлсан, биринчилар қаторида юзингни оч.

Орадан бир неча кун ўтди. Гузарда тумонат одам йиғилди. Катта гулхан ёқилди. Комсомоллар оналари, хотинларини бошлаб чиқишди. Ўша куни Хайрибиби биринчи бўлиб паранжисини гулханга улоқтирди. Бошқа аёллар ҳам унга эргашишди...

Зоир жуда кўп бор комсомол ячейкаси топшириқларини бажарган. Турли тўгараклар очиб, оммавий-сиёсий ишлар олиб борди, янги мактаблар ташкил этиб, муаллимлик қилди, 1927 йили Ўзбекистон комсомоли Марказкоми чақириғига жавобан Сурхондарёга бориб, Абдулла Набиевни вахшийларча ўлдирган Саломқалта деган босмачи тўдасини тугатишда қатнашди. 45 йил ўрта ва олий мактабларда ишлаб, неча мартаба комсомол, партия топшириқларини сидқидилдан бажарди.

Шахсий пенсионер бўлишига қарамай мана ҳозир ҳам унинг жамоат топшириғи бор: Октябрь район комсомол комитети ҳузуридаги ветеран комсомоллар совети президиумининг аъзоси.

Бироқ, комсомолнинг биринчи топшириғи. уни қандай бажарган Зоир Раҳмонзода хотирасидан ҳеч қачон чиқмайди. Негаки ўшанда у қандайдир улуғ бир иш қилаётганлигини, катта ҳаёт йўлига чиқиб олганлигини ҳис этган эди.

ОПА-СИНГИЛЛАР

1926 йил. Наима у пайтда ўзбек хотин-қизлари ўлка билим юртида ўқирди. Ёзги таътил кунларида комсомол қизларни шаҳар ва қишлоқларга, аҳоли ўртасида оммавий-ташкилий ва ташвиқот ишлари олиб бориш учун юборишарди.

Ўша йили Наима ёзни бир неча дугонаси билан Андижонда ўтказди. Босмачилар уя қургани сабабли ёшлар, айниқса комсомоллар жон ҳовучлаб юришарди.

Ана шундай таҳликали кунларнинг бирида область комсомол комитети обком вакили Нуриддин Азимов бошлиқ тўрт комсомолни Бўтақорақишлоққа командировка қилди. Улар орасида 14 ёшли Наима ҳам бор эди. Ёшларга қишлоқда биринчи комсомол ячейкаси тузиб келишдек оғир вазифа топширилганди.

— У кезларда омма ўртасидаги сиёсий-ташкилий ишлар ҳам ғалати бўларди, — ҳикоя қилади Наима опа Юсупова.— Аҳолини ҳали бир жойга тўплардик-да, ишни ашула, ўйин-кулгидан бошлардик. Бўтақорақишлоққа боргач, бир-икки активни топиб, маслаҳатлашдик. Улар ёшларни қишлоқ чеккасидаги бир чолнинг уйига йиға бошлашди. Дутор чалиб, чилдирма чертиб, ҳангомани бошлаб юбордик. Ўйин-кулгимиз энди авжига чиққан ҳам эдики, уй эгаси—чол югуриб кириб қолди:

— Тарқалинг! Босмачилар қидириб юришибди.

Вақт зиқ, шошилиш керак эди. Босмачиларнинг ваҳшийлигини яхши билардим. Қанча-қанча тенгдошларимни «Шўроларга очиладиган сенми?» деб ялланғочлаб, дарахтларга осиб кетишганини ўз кўзим билан кўрганман.

Бояги чол жонимга оро кирди. Қаердандир эски бир паранжи, чачвон олиб келди. Ҳалигини ёпиниб тун қоронғусида пиёда далама-дала қўшни қишлоққа қочиб жон сақладим.

Кейин билсам, шерикларим ҳам бир амаллаб қочиб қутилишибди. Аммо бечора чолни босмачилар қилич билан чопиб кетишибди. Орадан уч-тўрт ой ўтар-ўтмас ўша қишлоққа яна бордик. Бу гал қишлоқ комсомол ячейкасини тузишга муваффақ бўлдик. Бу ячейка кейинчалик энг яхши комсомол ташкилотларидан бири бўлиб қолди.

Наима Юсупованинг ёшлик ҳаёти кўплаб тенгқурлари сингари қил устида ўтган. Аммо бу жасур қиз ҳамма қийинчиликларга бардош берди, кейин у орзу қилган ва қурашган

ТЕРИМ СУРЪАТИНИ БЎШАШТИРМАЙЛИК!

АДРЛАРДА „ЗАНГОРИ КЕМА“ЛАР

«Зангори кема»лар «оқ олтин» пайкалини сузиб юрибди. Звено бошлиқлари рулга ўтириб, ўзлари етиштирган ҳосилни тезроқ йиғиштириб олиш ниятиёқида.

Вимпел ўрнатиб қўйилган «зангори кема» катта йўл ёқасидаги тележкалардан бирига бункердаги пахтани ағдарди-да, яна теримга тушиб кетди. Машина қатор ораларида юрар экан, чаноқлардаги лўппи-лўппи очилган «оқ олтин» бункерга оқарди.

Колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Юсупов терим агрегатининг ишини зимдан кузатар экан, бизга изоҳ берди:

— Бу — Розиқ Муҳамедов бўлади. Ҳаракатчан, тиниб-тинчимас йигит. Бир неча йилдан бери звенога бошчилик қилади. Ҳар йили ҳам ваъдасининг устидан чиқади. Ўтган йили у 85 тонна пахта териб, ваъдасини оширибгина бажарган эди. Бу йил эса бункердан юз тонна пахта туширишга сўз берган. У дастлабки кунлари 2—3 тоннадан пахта терди. Энди унинг топширғаётган «оқ олтин»и ҳар куни тўрт ярим тоннага етаяпти.

Розиқ Муҳамедов ўтган йили механик-ҳайдовчилар ўртасида бошланган мусобақада ғолиб чиқиб, кўчма вимпелни доимо сақлаб қолишга муваффақ бўлганди. Бу йил ҳам у кўчма вимпелни қўлдан бермай планини тезда бажариш учун курашаётир.

Яқинда звенода бир воқеа рўй берди. Дефолиация қилинган майдонлардаги кўсақлар нима учундир ҳа деганда очилабермади. Бундан механизаторнинг кўнгли ғашт эди. У пахтанинг ёппасига очилишини кутиб ўтирмасдан туриб, қатор ораларига «зангори кема»сини олиб кирди. Пайкалнинг ўрталарига бориб агрегатларнинг ишлашини кўздан кечирди. Шпинделларни бироз кенгайтириб қўйди. Кейин рулга ўтириб, педалини босди. Шунда колхоздаги баъзи кишилар звено бошлиғининг ўзбошимчалигидан хафа бўлиб кўсакни тутдек тўкиб юборасан, деб унга таъна гапларни ҳам айтишганди.

Лекин, звено бошлиғи бундай гапларга қулоқ солмади. Бир неча бор картанинг у бошидан бу бошига бориб келди. Тўғри, пахтаси очилмаган карталарда ҳадеб бункер тўла бермади. Шунга қарамай звено бошлиғи теримни давом эттираверди. Унинг бу иши кўсакка ҳеч зарар етказмади, тўкиб ҳам юбормади. Аксинча, шпиндель кўсакларнинг очилишини тезлаштирди. Ғўзаларнинг дефолиациядан кейин қолган барглари-ни тушириб, кўпроқ шамоллатди.

Мана, бир неча кундирки, механизатор-звено бошлиғининг иши юришиб кетди. Икки-уч бориб келишидаёқ бункер тўлмоқда.

Эндиликда звено бошлиғининг дадил ҳаракатидан шубҳа қилган кишилар уялиб қолдилар. Звенода суръатга-суръат қўшилиб кетди. Механизатор кенг карталарда «зангори кема»сини тобора қамчилаяпти. Звено аъзолари эса машина киролмайдиган калта, қийиқ карталардаги пахталарни қўлда теришаяпти.

Ёз давомида колхозчилар звено усулида меҳнат қилишган эди. Йиғим-терим палласида ҳам ана шундай бўлаётир. Ҳар бир звенонинг терган пахтаси алоҳида ҳисобга олиниб, тайёрлов пунктига жўнатилиб турибди. Деҳқонлар ҳосилни ёрдамчилар чақирмай, ўз кучимиз билан йиғиштириб оламиз, демоқдалар. Шунинг учун ҳамма йиғим-теримда фаол қатнашмоқда. Кейинги кунларда ишчи кучлари яна ҳам кўпайди.

Район механизаторларининг кенгашида колхоз шофери Рамазон Худиев мен пахта теримида қатнашаман, деб ўз устига конкрет мажбурият олган эди. Эндиликда у ўз сўзининг устидан чиқаяпти. Шоферлик касбидан вақтинча воз кечиб, механик-ҳайдовчи бўлиб ишлаётир. Рамазоннинг ғайрат ва ташаббуси кўпчиликни қувонтираяпти. Беш кун ичида салкам 20 тонна «оқ олтин» териб қўйди.

Комплекс механизациялашган звенонинг бошлиғи Тайпур Сайфуров ҳам ҳамкасбларидан қолишмаган ҳолда меҳнат қилмоқда. У ғўза парваришида қандай ҳалол ишлаган бўлса, ҳозир ҳам ана шундай юксак кўрсаткичларга эришмоқда.

Ҳар гектар ердан мўл ҳосил етиштириш ва пахтани машина билан теришнинг моҳир усталаридан ҳисобланган коммунист звено бошлиғи Абдумажид Арслонов билан гаплашиб қолдик. У қуйидагиларни айтди:

— Ўтган йили 39 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан хирмон кўтарган эдик. Бу йилги режамиз 38 центнердан. Албатта, бу чегара эмас. Агар нобудгарчиликка йўл қўймасак, ҳосилни ёнғинғарчиликка қолдирмасак, у вақтда ҳар гектар ердан бемалол 40 центнердан «оқ олтин» топширишимиз мумкин. Шундай бўлгач, йил бўйи ҳалол меҳнат қилиб етиштирган ҳосилнинг бир граммини ҳам ерда қолдирмасликка ҳаракат қиламиз. Буни звено аъзоларимиз яхши тушунишади. Шунинг учун ҳам мен машина теримига куч бераяпман. 85 процент ҳосилни «зангори кема»ларда териб олмоқчимиз.

Далаларни айланамиз. Сой ва адрларда терим авжида. «Зангори кема» капитанлари мусобақани тобора кучайтирмоқдалар. Терилган «оқ олтин» дурдоналари пешма-пеш қуритилиб тайёрлов пунктига жўнатилаяпти. Шуни ҳам айтиш керакки, бу ерда пахта нобудгарчилигига сира йўл қўйилмаяпти.

Бу ўринда уч оғайни ботирлар — Бинали, Гулади, Мардали Сўфиевларнинг ишларини алоҳида қайд қилиб ўтиш керак. Улар ёзи билан сувчилик қилишди. Эндиликда ишимиз битди деб қўл қовуштириб ўтиришмаётир. Тўкилган пахталарни бир ерга тўплаб кўсак чувиш машиналаридан ўтказиб «оқ олтин»га барака киритаяптилар. Шунинг учун ҳам хўжалик аъзолари йиғим-теримда олдинги сафларда кетишаяпти.

— Шу кунларда, — дейди колхоз раиси Чинғўлат Жўраев, — кунига йиллик планнинг 3—4 процентига миқдорида пахта топшираяпмиз. Албатта, бу бизни қаноатлантирмайди. Биз терим агрегатларининг иш унумдорлигини янада оширамиз. Ҳар бир машинанинг ва теримчининг бундан ҳам баракали ишлашига эришиб, яқин кунлар ичида кунига йиллик планнинг беш процентини миқдорида пахта топширишга эришамиз.

М. ҒОЗИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири. Янгийўл. «Москва» колхози.

«Москва» колхози партия ташкилотининг секретари ўртоқ М. Юсупов механик-ҳайдовчи Р. Худиев билан унинг терган пахтасини ҳисоблаб кўрмоқда. (Ўнгда) илғор механизатор Р. Муҳамедов рулда. Н. Тўраев фотолари.

356.000 тонна пахта учун

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 7 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Пахта тайёрлаш		Машина терими	
	Бир кунда	Мавсум бошидан бери	Бир кунда	Мавсум бошидан бери
Юқори Чирчиқ	4,80	56,91	7,27	94,97
Оққўрғон	2,47	56,58	2,76	63,36
Бўка	2,77	51,25	2,96	56,20
Бекобод	2,60	44,65	2,92	48,39
Ўрта Чирчиқ	3,04	44,44	3,55	52,89
Янгийўл	2,37	37,27	2,46	34,75
Оржоникидзе	1,87	22,87	2,60	30,60
Область бўйича	2,75	47,44	3,09	54,49

САБЗАВОТ МЎЛ-КЎЛ

Колхозимиз механизаторлари улуғ доҳимиз В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, астойдил меҳнат қилмоқдалар. Ана шу меҳнат ўзининг қувончли самараларини кўрсатмоқда.

Бу йил деҳқонларимиз шаҳар механизаторлари дастурхонига ҳар йилгидан ҳам кўпроқ сабзавот, картошка, полиз экинлари маҳсулотлари, мева ва узум етказиб беришга аҳд қилиб, барча имкониятларни ишга солдилар, экинлардан юқори ҳосил етиштиришнинг зарур чора —тадбирларини кўрдилар. Мана, эндиликда улар қувончли зафарларга эришмоқдалар.

Колхозимиз куни-кеча давлатга сабзавот, картошка, полиз экинлари маҳсулотлари, мева, узум сотиш йиллик планини муддатидан илгари бажарди. Шаҳар аҳолиси дастурхонига 3145 тоннадан ортиқ сабзавот, 230 тонна полиз маҳсулотлари, 130 тонна мева, 235 тонна узум, 1023 тонна картошка етказиб берилди. Шунингдек, гўшт ва жун сотиш планлари ҳам ортиғи билан бажарилди.

Деҳқонларимиз даладаги ҳосилни чамалаб кўриб, давлатга пландан ташқари яна 1500 тонна сабзавот ва картошка сотиш мажбуриятини олдилар. Ана шу мажбурият ҳисобига тайёрлов пунктларига маҳсулот жўнатишни қизғин давом эттирмоқдамиз.

Ғ. АБДУЛЛАЕВ,
Калинин районидаги Карл Маркс номли колхоз ранси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

С. ҒИЕСОВ,
партия ташкилотининг секретари.

БОҒ БАРАКАСИ

Боғбончилик соҳасининг ўзига хос нозик томонлари бор. Агар боғбон шу нозик томонларга жиддий эътибор бермаса, ўз касбининг бутун сир-асрорларини ўзлаштириб олмаса, боғ баракали мева бермайди.

Бизнинг бригадамиз боғбонлари ҳам ўз соҳаларини пухта эгаллаб олишган. Ҳар бир иш оби-тобида уддабуронлик билан бажарилади. Шунинг учун ҳам богларимиздан йил сайин баракалироқ ҳосил олиб келяпмиз.

Мана, бу йилги меҳнатимиз ҳам ўзининг ажойиб самараларини кўрсатмоқда. Бригадамизда 100 гектар олмазор боғ барпо этилган. Шунинг 25 гектари ҳосилга кирган. План бўйича эл дастурхонига 100 тонна турли хил навли олма етказиб беришимиз керак эди.

Бу топшириқ ҳозирнинг ўзидаёқ анча ортиғи билан бажарилди. Олмазорларимизнинг ҳар гектаридан пландагига 5 тонна ўрнига 6 тоннадан ҳосил йиғиштириб олдик. Ҳали олма тупларида ҳосил сероб. Гектар бошига оладиган олмамиз 7 тоннадан анча ошиб кетади. Хўш, бундай ютуқларга қандай қилиб эришдик. Маълумки, бу йилги об-ҳаво шароитлари қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари каби боғдорчилик учун ҳам жуда ноқулай келди. Эрта баҳорда мева дарахтларини совуқ уриб кетиши хавфи туғилди. Лекин биз табиат қийинчиликларига олдиндан қаршилик кўрсатдик.

Барча мевазорларимизни ҳар эҳтимолга қарши суғориб қўйдик. Орадан кўп ўтмай қаттиқ совуқлар бошланиб кетди. Олма дарахтларимизнинг бирортасини ҳам совуқ шикастлай олмади. Агар суғормаганимизда эди, боғимизни батамом совуқ уриб кетарди.

Биз боғни озиқлантиришга ҳам катта эътибор бердик. Бу йил март ойида ҳар гектар ерга 5 тоннадан кўй гўнги солдик. Ёз бўйи ҳашаротга қарши беш марта дори сепдик. Натижада бирор дона олмага ҳам қурт тушмади.

Механизатсевар боғбонларимиздан У. Бойқулов, О. Эртоева, М. Норқулова, О. Каримов, М. Сулаймонова, Ж. Сайдалиев сингари ўртоқларнинг ғайрати, ишбилармонлиги ва сифатли парвариши туфайли ҳам богларимизнинг меваси баракали бўлди. Бу ҳормас-толмас колхозчиларимиз олма узишда ҳам ғайрат-шижоатларини сира аямай меҳнат қилмоқдалар.

Бу йил токзорларимизнинг ҳосили ҳам баракали бўлди. Давлатга узум сотиш йиллик планини қарийб 200 процент адо этдик.

Яқин кунларда боғимиздаги меванинг ҳаммасини йиғиштириб оламиз. Лекин шунда ҳам ишни тўхтатиб қўймаймиз. Келажакдаги баракали ҳосилни кўзлаб, боғ парваришини давом эттираверамиз. Олма узиб бўлингач, дарахтлар 30-препарат билан ювилади. Ёш мевазорларнинг ичи шудгорланиб, ҳар гектар ерга 350 килограммдан суперфосфат солинади. Қишда эса богларимизга икки марта яхоб суви берилади.

Бригадамиз аъзолари богдорчиликни тағин ҳам кенгайтириш ва ривожлантиришнинг катта режаларини тузиб қўйганлар. Шу режалар асосида ишлаб, эл-юрт дастурхонини ширин-шакар мева-чевалар билан бойитишдек шарафли ишга ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшаверамиз.

У. КЕНАНБОЕВ,
Оржоникидзе районидаги Фрунзе номли колхознинг богдорчилик бригадаси бошлиғи.

САҲИФА

ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Ёруғ кунлар келди. Наима опа узоқ йиллар мактабларда муаллима бўлди, кейинчалик артель ва фабрикаларда турли вазифаларда ишлади. Ҳозир Ленин номли тикув фабрикасидаги энг илғор 7-цех бошлиғи.

Унинг кураш йўли, тақдири опа-сингиллариникига жуда ўхшаб кетади. Яхши эслайди: оилалари жуда катта, ўн тўрт бола бўлган. Оила бошлиғи Умар аканинг кўзи ожиз бўлиб, фарзандларини боқишга қурбсиз эди. Оч-наҳор қолиб, касалга чалиниб, қисқа вақт ичида бир оиланинг ўзидан етти киши дунёдан кўз юмди. Октябрь инқилоби қуёши бу хонадон гўшасига ҳам нур сочди, эркин турмуш сари чорлади.

Опа-сингиллар совет замонасида ўқиб, вояга етишди, ҳаётда ўз йўлларини топиб олишди. Опаси—Фотима Ашурова — ҳозир шахсий пенсионер, кекса педагог. Сингласи Оқила Юсупова — Тошкент область савдо бошқармасининг бошлиғи... Ҳаммаларининг фарзандлари бор, кўплари олий маълумотли.

— Биз нимага эришган, ким бўлиб қолган бўлсак, ҳаммаси учун комсомолдан қарздормиз, — дейди Н. Юсупова, — негаки комсомол бизни ардоқлади, виқтирди, курашга ва яшашга ўргатди.

МАРД ЙИГИТ ЭДИ

Саксон баҳорни кўрган, ҳамон ёшлар ғайрати билан жўш ураётган Сандмурод ота Тошхўжаев йигирманчи йиллар комсомоллари ҳақида ҳикоя қилар экан, Бўстонликдаги Намданак қишлоғида содир бўлган бир воқеани тўлқинланиб гапиради.

...Янги тузум жойларда осонликча қарор топгани йўқ. Бойлар, руҳонийлар талвасада, большевик, комсомолларни жон-жаҳдлари билан бўғиб ташлашга интилишарди.

1920 йилнинг кузи. Тошкент уезд комсомол комитети топшириғига мувофиқ, бир неча волостларда комсомол ячейкалари ташкил этишда қатнашдим. Тўйтепа, Китоб, Тюбинск, Зангиота, Чиноз, Оққўрғон волостларида ўша йилнинг кузида 70 га яқин ячейка тузилди. Ёшлар ташкилоти зиммасида ёш Совет давлатини ҳимоя қилишдек жанговар вазифа турарди.

Ўша йиллари чекка-чеккадан босмачилар бош кўтариб чиқа бошладилар. Комсомол ячейкалари ва волостларда кўнгиллилар отрядлари тузилди. Бўстонликдаги отрядга мен бош бўлиб бордим. Юсуфқўрбоши эл тинчлигини бузиб, халқни талар, қишлоқларни вайрон қилар, фирқа ва комсомолларни қидириб, улардан ўч оларди. Отрядимизга Юсуфқўрбоши бошлиқ босмачиларни тор-мор этиш вазифаси юклатилди.

Бир пайт отрядимиз жойлашган ерга беш отлиқ келиб қолди. Ўзларини Намданак қишлоғидан, комсомоллар деб таништиришди. Ўрта бўйли, қорачадан келган, йигирма ёшлар чамасидаги йигит Паркент комсомол ячейкасининг секретари Жўра Исломов экан.

Жўрани эсласам, ҳали-ҳали бу мард, зеҳни ўткир йигитга тан бераман. Моҳир чавандоз ҳам эди. Тоғлик жойларда жуда эпчил ҳаракат қиларди. Бу йигит отрядимизда бир неча кун бўлди, холос. Кунлардан бир кун Юсуфқўрбоши ҳийла ишлатиб отрядимизни ўраб олди. Қуршовда қолдик. Лекин йигитлар бўш келишмади. Отишма анчагача давом этди. Биз камчилик эдик, қурол-яроғ кам, ўқ тугай деб қолди. Нима қилиш керак? Кенгашиб ўтиришга фурсат йўқ. Шунда Жўра менинг олдимга келиб айтган гапларни шу бўлди:

— Қаршилик кўрсатишнинг фойдаси йўқ. Чекиниш керак. Сизлар анави баландлик этагидан нари ўтиб, тоғ ошиб кетинглар. Биз бу ерда душманни чалғитиб турамиз.

Жўра Исломов уч-тўрт йигит билан қолиб отишма қилиб турди. Отрядимиз чекина бошлади.

Босмачилар кўп ўтмай тенгсиз курашда Жўра ва унинг дўстлари Йўлдош, Эшонбек ва бошқаларни қўлга туширишибди. Йигитларидан кимдир Жўрани комсомоллар бошлиғи деб айтипти. Қўрбоши қишлоқ аҳлини зўрлаб, бир жойга тўплатипти-да, ҳамманинг кўз ўнгида ваъзхонлик қилиб: «Комсомолларнинг тақдири мана шундай бўлади», — деб Жўра Исломовни тут дарахтига боғлаб, устидан керосин сепиб, тириклайин ёндириб юборибди.

Босмачиларнинг бу разил қилмиши отрядимизнинг ҳар бир аъзосининг қаҳр-ғазабини қўзғатди. Улар мард сафдошлари учун душмандан ўч ола бошладилар. Кўп ўтмай Юсуфқўрбоши қўлга тушди. Жўра ҳалок бўлган ялангликда босмачилар халқ олдида ўз қилмишлари учун жавоб беришди...

Сандмурод ота алангали йиллар ҳақида гапирар экан, Тошкистон комсомолларининг I съезди иштирокчиси бўлганлигини фахр билан тилга олди. Комсомолларнинг I съезди Гоголь ва Совет кўчалари чорраҳасидаги Советлар уйида, 150 га яқин делегат иштирокида ўтди. С. Тошхўжаев съездда Туркистон Компартияси Марказий Комитетининг комсомолларга йўллаган табригини ўқиб берди.

Сандмурод ота Тошхўжаев олтмишинчи йиллар ёшларига оловли йиллар ҳақида, мард, довюрак комсомоллар ҳақида ҳикоя қилиб бериб туради. У тез-тез мактабларда, маҳаллаларда, ишчилар даврасида бўлиб, ўз хотираларини сўзлаб бермоқда. Яқинда Ленин районидаги 57-мактабда ва шаҳар милиция мактаби курсантлари даврасида бўлиб, ёшларга комсомол билетини топширар экан, шонли традицияларимизнинг муносиб давомчилари бўлиб қолишларини тилади.

С. Тошхўжаев ҳозир пенсияда. 40 дан ортиқ невара-чевараси билан бахтли ҳаёт кечирмоқда.

Т. МИРХОДИЕВ,
Ш. УМУРЗОҚОВ.

КОМСОМОЛ

Комсомол—жанговар ёшлик, ёв қувар,
Ўлимдан ҳайиқмас, қалби оловли.
Комсомол—камолн нфтихоримиз,
Бахтимиз кўкида қуёш яловли...
Комсомол—беқиёс кўрк ва гўзаллик,
Навқирон умрнинг гулшани, атри.
Комсомол номи-ла, безанар бугун
Ол барқут кийгандай шонрлар сатри.
Комсомол бор экан бу кекса олам,
Яшарар кундан кун ортиб жамоли.
Унга мураббийдир буюк партия,
Раҳнамо Лениндан унинг нқболи.
Комсомол жазм этса мушкиллар осон,
Жумбоқлар ҳал бўлар шундайин ўзи.
Комсомол истаса кўпдан қум босган
Кўҳна булоқларнинг очилар кўзи.
Кўприклар қурилиб, қўл чўзиб йўллар,
Сахролар гул очар комсомол билан.
Комсомол номи-ла бошланган ҳаёт
Мангуга барқарор у камол билан.
Комсомол измила оқар дарёлар,
Тоғлар меҳрни очиб, боғ-чаман яшнар.
Бор бўлсин мангуга бу буюкликни
Елкада кўтарган азамат ёшлар!

Толиб ЙЎЛДОШ.

Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхозининг ўртоқ Лем Борис бошлиқ звено аъзолари пиёздан баракали ҳосил кўтармоқдалар. Звенода ҳар гектар ердан 35 ўринга 40 тоннадан пиёз топширилаяпти. Э. Эргашев фотоси.

ЎЗБЕКИСТОНДА ГДР МАДАНИЯТИ ДЕКАДАСИ

ДЕКАДА ҚАТНАШЧИЛАРИ ОЛМАЛИҚЛИКЛАР МЕҲМОНИ

Рангли металлургиянинг навқирон шаҳри — Олмалиқ меҳнаткашлари Ўзбекистонда ўтказилаётган Германия Демократик Республикаси маданияти декадаси қатнашчиларини самимий кутиб олдилар. Германия Демократик Республикасидан келган меҳмонлар Олмалиқликларнинг ҳаёти билан танишдилар, уларнинг ўз ишларини, шаҳардаги янги қурилишлар ҳақидаги ҳикояларини гоят қизиқиб тингладилар.

НАВОИЙ НОМЛИ КУТУБХОНАДА УЧРАШУВ

Ўзбекистонда ўтказилаётган ГДР маданияти декадасининг қатнашчилари кўп жойларда меҳнаткашлар билан учрашмоқдалар. Алишер Навоий номидаги ўзбек давлат кутубхонасида ана шундай учрашувлардан бири бўлиб ўтди. «ГДР» журналининг ходимлари шу журналнинг тошкентлик доимий ўқувчилари билан учрашмоқ учун бу ерга келдилар. Журналхонлар журналдаги қайси материаллар ўзларига ёқиб тушганлиги ҳақида, журнал ўз мамлакатининг ҳаётини яна ҳам кенг ва мароқлироқ ёритиш учун нима қилиш кераклиги тўғрисида ўз нуқтаи назарларини гапириб бердилар.

— Биз Тошкентда журналимизнинг бу қадар кўп доимий ўқувчиларини учратамиз деб ўйламаган эдик, деди журналнинг бош редактори Лутц Дитце.—Дўстларимизнинг яхши сўзларини ва ҳақли танқидий фикрларини эшитиш биз учун ёқимли бўлди, булар, шубҳасиз, ишимизда ёрдам беради.

Ёзувчилар Навоий номли кутубхонада сақланаётган немис адабиёти хазинаси билан қизиқиб танишдилар. Улар 1488 йилда Нюрнбергда нашр этилган «тўққизинчи немис тавроти»ни, Ульрих фон Гуттеннинг 1520 йилда нашр этилган ва папага қарши қаратилган памфлетини кўрдилар. Китобда ёзувчининг автографи бор. Кутубхонадаги нодир ва қадимий нашрлар бўлимининг мудири Е. Н. Киткович ГДРдан келган дўстларга ноёб «Туркестанский сборник» ни кўрсатди. Бу тўпламда немис шарқшуносларининг асарлари ва «Шайбонийнома»нинг (XVI асрга доир асарлар) немис тилидаги дастлабки таржимаси киритилган. Бу китобни венгер олими Вамбери Ўзбекча асл нусхасидан 1885 йилда таржима қилган.

Бу ўзбек кутубхонаси Германия Демократик Республикасидаги етти кутубхона ва университет билан китоб айирбошлаб турибди.

СВЕРДЛОВ номли концерт залида Берлин радиоси Катта рақс оркестрининг концертлари зўр муваффақият билан ўтмоқда. Суратларда (ўнгда): оркестр солисти Уте Май. Пастда Юрген Герман раҳбарлигида рақс оркестрининг чиқиши.

А. Палехов ва Л. Глауберзон фотолари.

ҚАРДОШ ХАЛҚ БАЙРАМИ ШАРАФИГА

Тошкентдаги Энгельс номли чет тиллар институти 5 октябрда ГДР, ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат байроқлари билан байрамлардагидек безатилган эди. Ўзбекистон пойтахти жамоатчилигининг вакиллари билан бирга немис меҳмонлар — Ўзбекистонда ўтказилаётган ГДР маданияти декадасининг қатнашчилари Германия Демократик Республикаси ташкил топган кунининг 19 йиллигини нишонламоқ учун бу ерга келдилар.

Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Р. Н. Бобожонова қардош немис халқи ҳаётидаги шонли санага бағишланган ана шу тантанали йиғилишни очди. Р. Н. Бобожонова бундай деди: Германия Демократик Республикаси меҳнаткашларининг миллий байрами бу йил азиз ва ҳурматли меҳмонларнинг Совет Ўзбекистони диёрида бўлишлари билан бир вақтга тўғри келди. У тошкентликлар, бутун ўзбек халқи номидан ГДР меҳнаткашларига тинчлик, бахт-саодат ва равнақ тилади.

ГДР билан дўстлик совет жамияти Ўзбекистон бўлими правлениесининг раиси ёзувчи К. Яшин Германия Демократик Республикаси эълон қилинган кунининг 19 йиллиги тўғрисида доклад қилди.

Ингилишда ГДР архитектура ва қурилиш академиясининг бош архитектори профессор Херман Хендельман ва ГДР телевидениесининг масъул секретари Карл Кеннеке сўзга чиқиб, қизғин қутловлар ва самимий истаклар билдирилганлиги учун ташаккур изҳор қилиб, Совет Иттифоқи билан Германия Демократик Республикаси халқлари ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳамкорлик бундан буён ҳам мустаҳкамланаверади ва ривожланаверади, деб ишонч билдирди.

(ЎзТАГ).



Германия Демократик Республикасининг қадимдан машҳур бўлган Галле яқинида охирги йиллар ичида янги ҳозирги замон типидаги шаҳар барпо этилди. Унинг кўп қаватли шинам бинолари улкан химия корхоналарининг ишчилари яшамоқда.

Н. Зайцев фотоси. (ТАСС).

ВАТАНПАРВАРЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

ХАНОЙ, 7 октябрь (ТАСС). ВИА агентлигининг берган хабарига кўра 3 октябрда Вьетнам Демократик Республикаси осмони устида Куангбинь вилоятида яна битта америка самолёти уриб туширилди. Шундай қилиб, Шимолий Вьетнам осмонида уриб туширилган америка самолётларининг сони 3.196 га етди.

МОНГОЛИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ЭКОНОМИКАСИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

УЛАН-БАТОР. (ТАСС). Халқ Монголияси меҳнаткашлари мамлакат экономикасини ривожлантиришда янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Монцамэ агентлигининг берган хабарига кўра Монголия Халқ Республикасида дастлабки саккиз ой мобайнида жами саноат маҳсулоти ўтган йилдагига нисбатан 5,6 процентга ўсди.

ЯНГИЛИКЛАР, ХУШХАБАРЛАР

Оҳангарондаги Гулбоғ қишлоғидан чамаси бир километр нарида қурувчилар посёлкаси қад кўтарди. Бу ерда Кўчбулоқ ҳшчиларн учун турар-жой бинолари қуриляпти. Кейинги ойларда 50 дан ортиқ оила янги уйларга кўчиб ўтди. Посёлкада магазин, ошхона, алоқа бўлими намунали ишламоқда. Янги уч қаватли мактабда ишчиларнинг 300 дан ортиқ фарзанди таълим оляпти.

Посёлка тобора чирой очмоқда.

Т. ШЕРАЛИЕВ.

* * *

Чилонзорнинг 9-кварталида янги мева-сабзавот магазини очилди. Усмон Юсупов номли бу 11-фирма магазини шаҳарда энг йирик ва ягона савдо тармоғидир. Магазин ўз оталигидаги хўжалик билан доимий алоқа ўрнатган. Бу ерда харидорлар ўзларига ўзлари хизмат қилишади. Агар вақтингиз бўлмаса, телефон орқали заказ қилишингиз, вақт топиб олиб кетишингиз ҳам мумкин.

М. ЁҚУБОВ.

* * *

«Ленин йўли» колхозининг Фахриддин Усмонов, Йўлдош Облоёров, Нозим Мирзаев бошлиқ пахтачилик звенолари аъзолари учун типовой дала шийпонлари қуриб берилди. Пахтакорлар бу ерда мириқиб дам оладилар, радио эшитадилар, газета ўқиб, гуруғлашадилар.

А. ДОЛИМОВ,
Ўрта Чирчиқ райони.

* * *

Дархон қишлоғида янги ишлаб чиқариш эксперименталь устахонаси ишга тушди. Икки қаватли бу муҳташам бинони 159-трестга қарашли 22-қурилиш бошқармаси бинокорлари қўлдан чиқаришди. Устахонада ўрмон хўжалигида ишлатиладиган машина ва агрегатлар ремонт қилинади.

Қўли гул бинокорлар бундан ташқари тўрт қаватли турар-жой ҳам барпо этишяпти. Яқин кунларда 40 оила янги уйларга кўчиб ўтади. Қишлоқ ҳусингаҳуси қўшаётган қурувчилар меҳнатидан ҳамма мамнун, дархонликлар уларга ташаккур билдиришмоқда.

Л. МУҚСИМОВ.

ПЛАНЕТАМИЗ ХАБАРЛАРИ

ПРЕЗИДЕНТ Л. СВОБОДА НУТҚИ

ПРАГА, 4 октябрь. (ТАСС). Бугун Чехословакия Социалистик Республикасининг президенти Л. Свобода Прага Градида олий ҳарбий ўқув юртларини тамомлаб чиққанлар шарафига традицион қабул маросими ўтказди. Қабул маросимида А. Запотоцкий номидаги ҳарбий техника академиясини, К. Готвальд номидаги ҳарбий сиёсий академияни ва республиканинг бошқа ҳарбий ўқув юртларини битириб чиққан-жуда кўп кишилар, шунингдек бошқа социалистик мамлакатлардаги ҳарбий академияларда ўқиб келган чехословак офицерлари ҳозир бўлдилар.

Қабул маросими вақтида президент Свобода нутқ сўзлади. Президент ўқув юртларини битириб чиққан кишиларни ўқишни муваффақиятли тамомлаганликлари билан, шунингдек катта байрам — чехословак халқ армияси куни билан табриклади. Бу кун Чехословакияда ҳар йил 6 октябрда нишонланади. Бундан 24 йил муқаддам худди шу куни совет ва чехословак жангчилари гитлерчилар мудофаасини ёриб ўтиб, Дукель даванини қўлга олган ва Чехословакия территориясини фашист босқинчилардан озод қила бошлаган эдилар.

«Шу куни биз ватанимиз озодлиги учун ўз жонларини қурбон қилган курашчиларимизни, совет курашчиларини ва бошқа иттифоқчи курашчиларни меҳр-муҳаббат ва миннатдорчилик туйғулари билан эсга оламиз, — деб таъкидлади шу муносабат билан Людвиг Свобода. — Шу куни биз уларнинг хотираси ҳаммамизнинг зиммамизга ана шу курашчилар қандай улуғ идеаллар ва мақсадлар билан жангга кирган ва ҳалок бўлган бўлсалар, ана шу улуғ идеалларга ва мақсадларга ҳамиша содиқ бўлиб қолиш мажбуриятини юклашини биз яна бир карра англаб оламиз. Уларнинг хотираси халқларимизнинг бахт-саодати йўлидаги, Чехословакия Социалистик Республикасини янада ривожлантириш йўлидаги ишларда кучимизни аямаслик ва ҳар қандай қурбонлар беришдан қайтмаслик мажбуриятини зиммамизга юклайди».

Чехословакия Социалистик Республикасининг президенти Чехословакия халқ армиясининг ҳозиргн давридаги вазифаларига катта эътибор берди.

У ҳарбий ўқув юртларини битириб чиққанларни ўз қўл остларидаги кишиларни социалистик ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ва уларда социалистик ҳамжамиятга мансублик туйғусини мустаҳкамлашга даъват қилди. Шу ҳамжамиятнинг мавжудлиги ва мустаҳкамлиги, деб таъкидлади президент, — империалистик кучларга қарши курашда социализмнинг халқаро манфаатларини ҳимоя қилишнинг гаровидир. «Шу сабабли, — деди у, — биз бутун социализм ишининг интернационал манфаатларини ҳам, шунингдек ватанимизнинг социалистик тараққиёти манфаатларини ҳам кўзлаб ана шу ҳамдўстликни мустаҳкамлашга ва социалистик мамлакатлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни ривожлантиришга бундан буён ҳам кўмаклашаберишни истаймиз».

«Ҳаммамизга яхши маълумки, империализмнинг характери ўзгаргани йўқ, биздагина эмас, шу билан бирга Европада ва бутун дунёда тинчликка таҳдид қилаётган реваншизм ва янги нацизмнинг хатарли кучлари ҳали ҳам мавжуд, — деб таъкидлади сўнгра президент. — Биз билан тинчликда яшашни чиндан ҳам самимий истаётганлар билан халқларимизга қарши хатарли муддаоларда юрганлар ўртасидаги катта фарқни шу вақтгача бўлганидек, бундан буён ҳам яхши ҳисобга олиб борамиз. Фожиали Мюнхен сабоги биз учун сира эсдан чиқмайдиган огоҳлантирувчи сабоқ бўлиб қолаверади.

Шу сабабли яхши тайёргарлик кўрган, техникавий жиҳатдан мукаммал, маънавий-сиёсий жиҳатдан етук, ўз иттифоқчилари билан бирга ана шу хавф-хатарга амалда қарши тураоладиган армияга эга бўлиш — бизнинг бурчимиздир».

Дукель довонидаги жанг Чехословакия халқ армиясининг доимий жанговар тимсоли бўлиб қолди. Бу жангда, деб таъкидлади нотиқ, Чехословакия халқларининг мамлакатнинг ташқи сиёсий йўли СССР билан иттифоққа асосланиши лозимлигига бўлган муносабати равшан намоён бўлди.

Пировардида Л. Свобода ҳарбий академияларни битириб чиқувчиларни ўзларининг армиядаги ишларида партия органларига ва партия ташкилотларига, армиядаги барча коммунистларга талянишга чақирди. «Чехословакия Коммунистик партиясининг армиядаги раҳбарлик роли ҳам аввало шу нарсада намоён бўлиши лозимки, коммунистлар ўз унвонлари ва хизмат мавқеларидан қатъий назар ҳарбий билимлар ва қобилиятлар соҳасидагина эмас, шу билан бирга маънавий фазилатлар, юксак сиёсий онглилик соҳасида ҳам ҳаммага намуна бўлишлари керак», деди у.

Совет олимпиадачилари Мехикога етиб келишди. Суратда: совет спорт делегациясининг бошлиғи С. П. Павлов Мексика озодлиги учун курашганлар хотирасига ўрнатилган ҳайкал фахрий қоровули китобига имзо чекмоқда.

Э. Саратов фотоси, (ТАСС).

СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ДУРАНГ ҚАНОАТЛАНТИРМАЙДИ

«Пахтакор» якшанба куни турнир аутсайдерларидан бири — Кутаиси торпедочиларини қабул қилди. Тошкентликлар бу ўйинга умид боғлаган эдилар. Лекин майдон эгалари умидни оқлай олмадилар. Уларнинг ўйини сира қовушмади. Бектошев, Абдураимов, Раҳматуллаевларнинг дарвозани мўлжаллаб урган тўпларини бирон марта кўрмадик. Кўпроқ ҳимояни ўйлаган кутаисликлар ахён-аҳёнда қарши ҳужумга ўтиб туришди. Уларнинг бу ҳужумлари хавфли бўлди. Лекин дарвозабон Любарцев бу вазиятларда ишончли ўйнади.

0:0 ҳисоби ўзгармади. Бу «Пахтакор» мухлисларини қаноатлантирмади. Чунки энди дуранг билан иш битмайди. Сўнгги ўрин ҳамон хавф солиб турибди.

Шу куни «Қайрат» ўз майдонида Ростов армиячиларини 1:0 ҳисобида енди. Тўпни ўтиз ёшини нишонлаган С. Квочкин эллик олтинчи минутда киритди.

«Шахтёр» — «Динамо»-(Кировобод) учрашувида меҳмонлар фақат ҳимояда ўйнадилар. 70-минутгача улар ўз дарвозаларини даҳлсиз ҳолда сақладилар. Шундан кейингина қончилар рақиблар дарвозасига йўл топа олдилар. Головко, Григорьев, Орлов сўнгги минутларда тўп уришди.

ЦСКА — «Динамо» (Тбилиси) баҳси 3:2 ҳисобида армиячилар фойдасига тугади. Тўпларни Плахетко, Поликарпов (2 та, бири 11 метрдан), Гавашели ва Метревели киритдилар.

«Черноморец» — «Спартак» учрашуви 2:2 ҳисобида дуранг бўлиб тугади. Тўпларни Москаленко ва Лисенко («Черноморец») ҳамда Папаев ва Янкин киритдилар.

«Динамо» (Минск)—«Крилья Советов» ўйини 4:1 ҳисобида майдон эгалари ғалабаси билан тамом бўлди. Тўпларни Малофеев (2 та) ва Мустигин (2 та, бири 11 метрдан) ҳамда Жуков урдилар.

«Зенит» ўз майдонида Москванинг «Торпедо» командасига 0:1 ҳисобида ютқазди. 78-минутда Савченконинг зарбаси аниқ бўлди.

«Заря» — «Нефтчи» командалари биттадан очко олишди (1:1). Тўпларни Маркаров ва Сатаев (11 метрдан) урдилар. Бу ўйинда «Нефтчи» дарвозабони Крамаренко пенальтини қайтара олди.

Ҳозир Кутаиси торпедочилари 32 ўйиндан 23 очко, «Қайрат» 31 ўйиндан 22, «Пахтакор» 20 ва «Кировобод» футболчилари 19 очкога эга.

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОН!

„Тошкент ҳақиқати“ газетасига обуна бўлишни унутмадингизми?

Редактор ўринбосари
Т. РАСУЛОВ.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 дан—Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 18.00—Телеэнгиликлар, 18.15—«Зангори кема» яратувчилари, 18.35—«Дўстга хат» (илмий-оммабоп фильм), 18.45—Евгений Урбанский (бадиий фильм), 20.00—Кўрсатишлар программаси.

Ўзбек тилида: 20.05—Телеэнгиликлар, 20.25—«Ленинном» программаси Ленин ва Ленинград, 20.45—Ярим аср йилномаси. 1958 йил, 21.30—Менинг таржимаи ҳолим (ГДР телефильми), 22.10 — Ўзбек халқ чолғу асбоблари ҳақида музикали эшиттириш.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ЎҚУВ ЭШИТТИРИШЛАРИ ПРОГРАММАСИ

18.00—Эстетика асослари (рус тилида), 18.50—Марксистик фалсафанинг пайдо бўлиши, 19.25—Немис тили (студентлар учун).

20.00 дан—Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00—Кинофильм (болалар учун), 20.15 — Ёшларимиз эстрадаси.

Рус тилида: 20.50—«Ильич номидаги...», 21.10—Комсомол қўшиқлари, 21.50—Учрашувлар (кўп сериялн телефильмнинг биринчи сериями).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 8/X да Флория Тоска, 9/X да Концерт (билетлар сотилган).

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА—8/X да Алишер Навоий, 9/X да Аяжонларим.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Тереза ДУРОВА раҳбарлигида ўргатилган ҳайвонлар группаси аттракциони. Ўзбекистон ССР халқ артисти Акрам ЮСУПОВ иштирок этади. Билетлар сотилмоқда.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Анжелика ва қирол—«ЎЗБЕКИСТОН» «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Софья Перовская — «ЧАЙКА», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Арена — «МОСКВА», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 8 ва 10 да бошланади)

Арена — «ФЕСТИВАЛЬ».

Характерли қиз — «ХИВА».

БИРЛАШГАН НАШРИЁТНИНГ ҚУЙИДАГИ НАШРЛАРИГА

1969 ЙИЛ УЧУН

ОБУНА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

«КОММУНИСТИК АХЛОҚ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР ОММАБОП БРОШЮРАЛАР»

Бу брошюраларда коммунизм қураётган совет кишиларини юксак коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялаш масалалари ёритилади.

Брошюралар турмушдан олинган бой материалларга асосланиб қизиқарли ва оммабоп тилда ёзилиб, кенг китобхонлар доирасига мўлжалланган.

Бу сериядаги бир йилда 12 брошюра ўзбек тилида нашр этилади.

«ФАН ҲАҚИДА СУҲБАТЛАР»

Бу сериядаги брошюраларда фан ва техниканинг турли соҳаларида, шу жумладан, химия, физика, астрономия, геология, электроника, кибернетика, агрономия фанлари соҳасида эришилган энг янги ютуқлар тушунарли ва оммабоп тилда ёритилади.

Ҳаммаси бўлиб бир йилда 52 ном брошюра чиқарилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР «БИЛИМ» ЖАМИЛИГИНИНГ ЛЕКЦИЯЛАРИ

Турли сиёсий ва илмий масалаларга доир чунончи: партия тарихи, философия, халқаро аҳвол, педагогика, санъат, тил ва адабиёт масалалари, саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари экономикаси, илмий атеизм, медицина ва бошқа темаларда ҳаммаси бўлиб 60 брошюра-лекция нашр этилади.

Бу брошюраларга ҳамма почта ва «Союзпечать» бўлимларида, ўқув юртлари, саноат корхоналари, колхоз, совхоз ва бошқа ҳамма муассаса, ташкилотлардаги жамоатчи матбуот тарқатувчилар орқали обуна бўлиш мумкин.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 35212, Ўринбосарлари — 35885, 36232, Масъул секретарь — 34808, Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — 31936, Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — 33786, Партия турмуши, Ахборот ва спорт бўлимлари — 35811, Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — 39050, Совет қурилиши, маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — 38761, Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048, Эълонлар бўлими — 38142, Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри

Р. 08798. ИНДЕКС — 6469. № 1959.